## СОХТА КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИ

**Давлат маблағининг ҳар тийини ҳисобли. Унга хиёнат қилганлар жазосиз қолмайди. Банк кредитларини ўзлаштиришда ноқонуний ишлар қилган, давлат манфаатига катта зиён етказган А.Султонов ҳам қонун олдида жавоб берди.**

**Суд ундан ТИФ «Миллий банк»нинг Кўқон шаҳар бўлимига қопланмай қолган зарар — 111 млн. 373 минг 652 сўм, шу банкнинг Фарғона вилоят бўлимига 117 млн. 299 минг 852 сўм ундиришга ҳукм қилди.**

2 бет



## УСТОМОН ФИРИБГАР

**...Қасам ичиб айтаманки, пулларингизни еб юборганим йўқ. Мен уларни айлантираяпман. Алдасам, худо урсин», деб Равшанни имкон қадар хотиржам қилишга ҳаракат қилди. Хуллас, охир-оқибат Ҳасаннинг Равшандан олган жами қарзи 90 минг 100 долларга етди. Бироқ, Ҳасан олган қарзини қайтаришни...**

10 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2009-yil 8-yanvar, № 02 (627)


ТАҲЛИЛ


Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири


# ЁШЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Бугунги кунда жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган. «Ёшлар йили» сифатида тарих саҳифаларига муҳрланган 2008 йил ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда самарали ва салмоқли босқич бўлди.**

**Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, амалга оширилган бу ҳаётбахш ўзгаришлар, эришилаётган муваффақиятларда жамиятимизни ривожлантириш ва ислоҳ этишнинг, давлат бошқаруви ва тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти беқиёс.**

Конституциямизда фуқаролар, хусусан ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш энг асосий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, унинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши белгиланган. Бундан ташқари, Асосий қонунимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг миқёсдаги чора-тадбирлар, бунёдкорлик ишлари ҳам ёшларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билимларни эгаллаши учун давлат ва жамият томонидан муносиб шароит яратишга қаратилган дастур ижроси ҳақида сўз борар экан, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланган қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Биз ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга етмоқчи, мамлакатимиз тараққиётини жадал ривожлантирмоқчи бўлсак, Ватанимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада оширмоқчи, жондан азиз фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, бунинг асосий шарти ва омили фақат битта — ҳаётга кириб бораётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида кенг йўл очиб бериш, бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат».

Дарҳақиқат, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижроси мамлакат миқёсидаги умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари, хусусан, Президентимиз қарор ва фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари, кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, ишлаб чиқилган лойиҳалар баҳоланар экан, дастур доирасида қабул қилинган ҳужжатлар, амалга оширилган чора-тадбирлар мустақиллик йилларида ёшлар борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий ва мантиқий давоми бўлди десак, хато қилмаймиз.

Айтиш керакки, 2008 йилда ёшлар манфаатларини тўлиқроқ таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Давлат дастурига кўра, бевосита Адлия вазирлиги масъул этиб белгиланган бандларга мувофиқ равишда вазирлик томонидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар режаси муваффақиятли амалга оширилди. Шу йўналишда давлат ва ҳукумат миқёсида 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди. 2 та қонун лойиҳаси қабул қилиниш арафасида турибди.

Яна бир муҳим ҳужжат — Президентимиз томонидан 2008 йилнинг 16 апрелида имзоланган «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Эътиборли томони шуки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш ва бундай жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган мазкур қонун билан амалдаги бир қанча қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.

(Давоми 4-бетда).

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ




Шуҳрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори


# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Бугун юртимизда эркин ва обод ҳаёт, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз турмушини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон майдонида муносиб нуфузли ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритган, халқаро ҳамжамият тан оладиган ютуқларимиз ҳақида мамнуният билан гапиришга ҳақлимиз. Чунки мустақил Ўзбекистон давлатининг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бу давр ичида демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Ҳозирги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни тараққий этган кўпчилик давлатлар ҳам эътироф этмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан кейин ўтган тарихан қисқа даврга назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида ва бевосита ташаббуслари билан турли соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб бераётганлигини кўрамиз.

Шу билан бирга, юртбошимиз маърузаларида атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм каби даҳшатли хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни бугунги кундаги ўта муҳим ва энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қилишимиз даркорлигини кўп бор таъкидлаган.

Бу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга оширилаётган ислоҳотларимиз нақадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш ва англаб етиш қийин эмас.

Ҳарбий соҳада юз бераётган бу жараёнлар ҳарбий прокуратура органлари фаолиятини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, айниқса собиқ иттифоқ қўшинларининг таркибий қисми ҳисобланган Туркистон ҳарбий округи тугатилгандан кейин Қуролли Кучлар ҳаётида Ўзбекистон қонунларининг устуворлигини таъминлаш имконияти вужудга келди.

Мудофаа, хавфсизлик ва дахлсизлик каби ҳарбий стратегик масалаларни ҳал этишда ҳамда Қуролли Кучлар тизимида қонунийликни таъминлашда, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳарбий прокуратура органлари муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан ҳарбий прокуратура органларининг шаклланиш жараёни, унинг тарихий йўли истиқлол билан чамбарчас боғлиқ.

Республикамизнинг суверенитети ҳарбий адлия органларининг янги шароитда шаклланишини белгилаб берди. Суверен Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси органларининг ҳуқуқий асослари давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб қабул қилинган қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнотида, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қарорида ҳарбий адлия органларининг ҳам келгусидаги вазифалари белгилаб қўйилган эди. Туркистон ҳарбий округи ҳарбий контингентининг мустақил Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтиши муносабати билан мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларида прокурор назоратини амалга оширишни давом эттириш учун ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Юқорида қайд этилган қонунчиликка биноан, Республикамиз Президентининг 1992 йил 23 февраль кунидаги «Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида»ги фармони билан Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси негизида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокуратураси ташкил этилди. Шу санадан эътиборан собиқ иттифоқ Бош прокуратурасига бўйсуниб келган Республикамиз ҳудудидаги ҳарбий прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ягона тизимига киритилди.

(Давоми 3-бетда).

Андижон шаҳрида бунёд этилган «Болалар шаҳарчаси» ўз бағрига ота-она қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларни қабул қилганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Шаҳарчада яратилган қулайликлар, бу ерда ташкил этилган мусиқа, рақс, тасвирий санъат, спорт тўгараклари уларнинг жисмонан ва руҳан соғлом ҳамда баркамол бўлиб тарбияланишларига имкон туғдираётир.



# «Болалар шаҳарчаси»да Янги йил байрами

Яқинда вилоят вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда вилоят прокуратураси ташаббуси билан шаҳарчада истиқомат қилаётган 61 нафар болажонларга «Янги йил арчаси» байрам тадбири уюштирилди. Унда вилоят «Ўқувчилар саройи», 7-сон мусиқа мактаби ва Андижон шаҳридаги 35-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари, «Чарос» болалар рақс гуруҳи ўз байрам дастурлари билан қатнашдилар.

Тадбирда мазкур шаҳарчадаги оилаларнинг болалари ҳам ўзларинининг янги йилга бағишланган шеърлари, рақслари, эртак қаҳрамонлари қиёфасидаги саҳна кўринишлари билан фаол иштирок этишди.

Андижон шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган «Президент арчаси» ҳамда шаҳарчада ташкил этилган байрам тадбири болажонлар кўнглини тоғдек кўтарди.

**Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# Нафс балоси

**Одатда тижорат соҳасига қўл ураётганлар кичкина бўлса-да ўз дўконига эга бўлишга ҳаракат қилади. Чунки, бирорта бинони ижарага олиб иш юритишдаги кўплаб ташвиш ва харажатлар тадбиркорга унчалик мақбул тушмайди. Кичкина бино бўлса ҳам ўзинганики бўлганига нима етсин!**

Д.Муродов ҳам Жиззах шаҳридаги «Кўк бозор» АЖ ҳудудида қурилган дўконлар мажмуасини ишга туширишни ният қилганди. Буни эса шаҳар ҳокимининг қарорисиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳокимнинг олдига бу ҳақдаги ҳужжатларни шаҳар бош архитекторигина тайёрлаб олиб кириши мумкин.

Асли ғаллаороллик, Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалласида яшовчи Эргаш Қўлдошев Жиззах шаҳар бош архитектори вазифасида ишлагани учун ҳам юқоридаги масала айнан унинг қўлидан ўтиши лозим эди. Кичкина туюлган савдо нуқталари учун жой ажратиш рақобат шароитида катта ташвишлар туғдиришини бошидан ўтганлар билади. Д.Муродов ҳам ишини тезроқ битказиш ниятида бош архитекторга учрашди.

Эргаш Қўлдошев ишнинг ҳадисини олганми ёки бу сафар нафс йўлига кирдими, хуллас қабулига келган кишига дангал фикрини айтди:

— Ишингизни тез битириб беришим мумкин. Агар 500 доллар олиб келсангиз, ҳамма ҳужжатлар қўлимда деб ҳисоблайверинг.

Хайрли ишининг бошланиши бунчалик қимматга тушиши табиийки, Д.Муродовга маъқул тушмади. Лекин ишни битиришнинг бошқа йўли ҳам кўринмади. Таъмагир амалдорнинг томоғини ана шу йўл билан ёғласагина иши битиши мумкинлиги уни анча ўйлантирди ва ниҳоят йўлини топди.

Д.Муродов 500 доллар миқдоридаги порани бош архитектор Э.Қўлдошевга олиб борди. Лекин бу ишни бир ўзи эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари иштирокида амалга оширди. Оқибатда порани олган Э.Йўлдошев жиноят устида ушланди.

Ушбу жиноий ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди Эргаш Қўлдошев мансабдор шахс бўла туриб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда пора олиш жиноятини содир этган дея ўз хулосасини чиқарди. Суд ҳукмига асосан Э.Қўлдошев икки йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилди.

**Қаҳҳор МАЛЛАЕВ,**
**Жиззах вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи**

# УНУМДОРЛИК БОШ ОМИЛ БЎЛСА...

Ердан унумли ҳосил олиш кўп жиҳатдан унинг қай вақтда, қай даражада шудгорланганига боғлиқ. Бежизга «ер ҳайдасанг куз ҳайда...», дейишмайди. Зеро, ернинг ўз вақтида сифатли ишлов олмаслиги ўз-ўзидан ҳосилдорлигига путур етказади. Шу боис, куз фаслида асосий диққат-эътибор шудгорлаш ишларига қаратилади.

Ўз навбатида, Юртбошимизнинг 2008 йил 14 октябрдаги «2009 йил ҳосили учун шудгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фермер хўжаликлари раҳбарлари, айтиш жоиз бўлса, барча мутасадди кишилардан катта масъулиятни талаб этади.

Бу борада вилоят прокуратураси томонидан қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар прокурорларига топшириқлар юборилиб, доимий назорат ўрнатилди.

Албатта, иш бор жойда камчилик бўлади, бироқ яратилган имконият, қулай шарт-шароитларга қарамай, йўл қўйилган масъулиятсизлик, лоқайдлик ҳолатларининг кузатилиши ачинарли ҳол. Хусусан, жойларда олиб борилган ишлар мониторингдан ўтказилганда, деярли барча туманларда қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Учқўрғон туманидаги «Деҳқонобод — Меҳнатобод» масъулияти чекланган муқобил машина трактор парки мансабдор шахсларининг фош бўлган қилмишларидан лол қолмай илож йўқ. Жавобгар шахслар жамиятга қарашли бўлган 1 дона (баланс қиймати 2 млн. 799 минг 87 сўм) ҳайдов трактори, 1 та (361 минг 806 сўмлик) плугни ўзлаштиришиб, хўжаликка катта миқдорда зарар етказишган.

Наманган туманидаги «Охунбобоев» номли фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаси оператори В.Тоирбоев эса 2807 литр, 2 млн. 863 минг 140 сўмлик дизел ёқилғисини талон-торож қилиб, 69 гектар майдоннинг шудгорланмай қолиб кетишига сабабчи бўлган.

Юқоридаги ҳолатни Мингбулоқ туманида ҳам кузатиш мумкин. «Мададкор» ММТП раиси А.Қўқоновнинг лоқайдлиги оқибатида жами 9 млн. 153 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар эскириб, муддати тугамаган ҳолда яроқсиз ҳолатга келган. Масъул шахслар техника ашёларини асоссиз равишда харажатга чиқариб, ўзлаштириб, талон-торож қилинишига йўл қўйганлар. Айни шунинг оқибати ўлароқ, ММТП ҳудудида графикка нисбатан 288 гектар майдон кам шудгорланган.

Бундан ташқари, жойларда қўшиб ёзиш, шудгорланмаган ерларни шудгорланди, дея ёлғон кўрсатма бериш каби ҳолатларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Шундай қонунбузилишлар Учқўрғон туманининг «Олтин водий», «Деҳқон қаноти», «Қўғайлик М.Исматуллаев», «Улуғбек Мададкор», «Меҳнатобод — Деҳқонобод», «Яшикобод халқ хизматида», «Бахт Маш сервис», «Ижодкор саховат тех сервис», «Қайқи Файзобод», «Мададкор Ҳамзаобод» ММТП ҳудудларида фош этилди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, қонунбузилишни бартараф этиш юзасидан жойларга 33 та тақдимнома киритилди. 2002 нафар шахс расман огоҳлантирилиб, 128 нафар шахс интизомий, 201 нафари маъмурий, 155 нафари моддий жавобгарликка тортилган бўлса, 3 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди. Етказилган 5 млн. 203,8 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрий ундирилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, лоқайдлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби иллатлар бор экан, ҳар бир жабҳада бундай камчилик ва хатолар учраши табиий. Юртимизда эл фаровонлиги йўлида илгари сурилаётган ислоҳотларнинг олға боришида эса бу ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Шу боисдан ҳам олиб борилаётган ишлар юзасидан назорат ва текширишларни кучайтириш зарур. Зеро, Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилинган 2009 йилда ҳар биримиз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда унумдорликни бош омил ҳисоблаб, астойдил ҳаракат қилсак, шу юрт равнақи, тўкин-сочинлиги, фаровонлиги учун муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Улуғбек АХУНОВ,**
**Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

# Сохта кафиллик шартномаси

**Риштон тумани ДСИ ходимлари томонидан Аҳмаджон Султонов раҳбар бўлган «Маҳзан» МЧЖнинг 2005 йилги молиявий фаолияти якунлари юзасидан ҳужжатли тафтиш ўтказилаётган эди. Раҳбар томонидан 2005 йил 20 февраль куни «Мега Класс инвест» МЧЖ билан қилинган молиявий алоқалар юзасидан тузилган 05/07-сонли ҳисоб-варақ фактураси кўрсатилмасдан, яширишга уринилди. Бунинг сабабини текширувчилар аниқлашди. Маълум бўлишича, иккала МЧЖлар ўртасида 115 млн. сўмлик молиявий алоқалар амалга оширилган экан. Шунинг ҳисобига «Маҳзан» МЧЖ томонидан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 3 млн. 105,5 минг сўм миқдоридаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қасддан тўланмаган...**

**А.Султонов ўзини турли баҳонаи сабаблар билан оқламоқчи бўлди. Шугина бўлса кечириш мумкин эди. Унинг бошқа «ишлари» — сохта ҳужжатлар эвазига банк кредитларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборганлиги ҳам очилиб қолди.**

Тергов ва суд жараёнида аниқланишича, А.Султонов ўзи раҳбар бўлган «Маҳзан» МЧЖни қайта ташкил этиб, Қўқон шаҳар ҳокимлигининг қарорини чиқартирган. Шундан кейин биратўла катта ишларга бел боғлаб, Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикасидаги сода ишлаб чиқариш корхонасидан маҳсулот олиб келмоқчи бўлган. Бунга эса катта маблағ керак. МЧЖнинг номи бору ҳисобида пули йўқ эди. Шунинг учун ТИФ «Миллий банк»нинг Қўқон шаҳар бўлимига кредит сўраб борди. Банкдагилар «Тадбиркорлик фаолиятингизга, четдан импорт моллар олиб келишингизга кредитдан ёрдам берамиз, фақат кафиллик шартномаси олиб келсангиз», дейишди. А.Султонов таниши бўлган «Қўқоннон» МЧЖ раҳбари З.Тўрахўжаева ҳузурига чопди. Кўнгли бўшлик қилдими ёхуд А.Султоновнинг режа, ваъдаларига чиппа-чин ишондими, ҳарқалай З.Тўрахўжаева ўз жамоаси таъсисчиларининг бўлмаган навбатдан ташқари умумий йиғилиши баённомасини 2004 йил 6 июль санаси билан «бўлди» қилиб берди. Қатор шахслар томонидан имзоланиб, муҳр урилган бу ҳужжат шаҳардаги 1-сонли давлат нотариал идорасида тасдиқланди ҳам. А.Султонов томонидан 2004 йил 8 октябрь куни тўлдирилган 125 млн. сўмлик кафиллик шартномасини ҳам «Қўқоннон» МЧЖ раҳбарлари тасдиқлаб беришди. Худди шу сохта ҳужжатларга асосан юқорида келтирилган банк томонидан ўша куниёқ 100 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, МЧЖнинг «УзДЭУ банк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига конвертация учун ўтказиб берилди. Орадан ўн кун ўтгач, 173 минг 74 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ маҳсулот етказиб берувчи ҳисобига ўтказилди. Олиб келинган ҳар тоннасининг нархи 120 АҚШ долларидан бўлган, жами 1531,72 тонна сода маҳсулотини А.Султонов Қувасойдаги «Кварц» ҲЖга сотган. 2005 йил январь, февраль ойларида ҳам худди шу тартибда 40 млн. сўм пулни конвертация қилган ҳолда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобига ўтказиб, икки марта 441,37 ва 63,9 тоннадан сода маҳсулотлари олиб келиб, Қувасойдаги «Юлинтер» хусусий корхонаси омборига туширади.

Бу вақтга келиб, банк кредитини қайтариш муддати етиб келган эди. Лекин А.Султоновнинг кредит ва унга ҳисобланган устама фоизини тўлаш нияти йўқ эди. «Вақтида тўланмаса нима қипти, яна бир-иккита катта иш қилиб, пул ишлаб оламан», деб ўйлади. Вақтдан ютиб қолиш учун «Қўқоннон» МЧЖ раҳбари томонидан берилган кафиллик шартномаси муддатини яна бир йилга узайтириб беришларини сўраб, банк маъмуриятига мурожаат этди. Бунга банк томонидан розилик берилмаса-да, А.Султонов кредит маблағи ва унга ҳисобланган фоизини қайтаришдан очиқ бўйин товлаб, жами 111 млн. 373 минг 625 сўмлик маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборди.

Аслини олганда, А.Султонов банк кредитларига анча олдинроқ мазахўрак бўлиб қолган экан. У бир вақтнинг ўзида акаси раҳбар бўлган «Машҳура» хусусий фирмасида бош ҳисобчи ҳам бўлган. Акаси билан жиноий тил бириктириб, 2004 йил 15 март куни акаси номидан 1 йил муддатга 100 млн. сўм кредит олиш учун ТИФ «Миллий банк»нинг Фарғона вилоят бўлимига ариза берган. Кредит таъминоти сифатида «А.Н.И. Муслима» хусусий корхонаси ва «Тадриж» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаларининг 2004 йил 18 март куни тасдиқланган кафиллик шартномаларини тақдим этган. Банк томонидан сода маҳсулотлари сотиб олиш учун 11 ой муддатга, йиллик 30 фоиз устама шарти билан 100 млн. сўм миқдорида қисқа муддатли кредит ажратиб берилди. Мониторинг вақтида бу кредит маблағига Учкўприк туманидаги «Super Masl» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмасидан 450 тонна, умумий қиймати 124 млн. 200 минг сўмлик сода маҳсулотлари олинганлиги аниқланган. Кредитни қайтариш муддати икки бор узайтирилган бўлса-да, А.Султонов томонидан қасддан қайтарилмаган. Сода маҳсулотлари эса тергов даврида аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотилиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган. А.Султонов бу жиноий қилмишларини яшириш мақсадида банк ва солиқ идораларига тақдим этиладиган ҳужжатларни сохталаштирган...

Давлат маблағининг ҳар тийини ҳисобли. Унга хиёнат қилганлар жазосиз қолмайди. Банк кредитларини ўзлаштиришда ноқонуний ишлар қилган, давлат манфаатига катта зиён етказган А.Султонов ҳам қонун олдида жавоб берди. Қилмишига яраша таноби тортиб қўйилди.

Суд ундан ТИФ «Миллий банк»нинг Қўқон шаҳар бўлимига қопланмай қолган зарар — 111 млн. 373 минг 652 сўм, шу банк Фарғона вилоят бўлимига 117 млн. 299 минг 852 сўм ундиришга ҳукм қилди. Унинг номида бўлган Қўқон шаҳар Истанбул кўчасидаги 8-уйнинг 21-хонадони, «Нексия» русумли машинаси соттирилиб, зарар қопланадиган бўлди. Маълум муддатга озодликдан ҳамда моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

**Беҳзод КАРИМОВ,**
**Қўқон шаҳар прокурорининг ўринбосари**

# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ



**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий прокуратурасининг ташкил этилиши билан ҳарбий прокуратура органлари учун янги давр бошланди. Ушбу тарихий воқеа ҳарбий адлия органлари олдига Ватанни, унинг мустақиллигини ҳимоя қилиш, давлатимизда қонунлар устуворлигини таъминлаш каби янги вазифаларни қўйди. Шунингдек, янгидан ташкил қилинган ҳарбий прокуратура органларига Республика ҳудудидаги ҳарбий қисмлар, қўшинлар, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалар ва бошқа ҳарбий тузилмаларда прокурорлик назоратини амалга ошириш юклатилди.

Фармон талабларига мувофиқ ҳарбий прокуратура органларининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий прокуратураси тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, 1993 йил 17 май куни Республика Бош прокурори томонидан тасдиқланди.

Мамлакатимизда ҳарбий тизимни ислоҳ қилиш кейинги йилларда ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Президентимиз кўрсатмаларига мувофиқ республика миқёсида ташкил этилган янги ҳарбий тузилмалар қўмондонликлари билан ҳамкорликни амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилди. Ана шу мақсадда Президентимизнинг 1999 йил 30 март кунги Фармонига асосан собиқ Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратураси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкил этилди. Мазкур фармон асосида «Ҳарбий прокуратура тўғрисида» Низом ишлаб чиқилиб, 1999 йил 14 апрель куни Бош прокурор томонидан тасдиқланди.

Фармонга асосан Республика прокуратураси раҳбарияти таркибига ўзгартириш киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори лавозими таъсис этилди. Шунинг билан бирга ҳарбий прокуратура тизими ҳам ислоҳ қилиниб, гарнизон ҳарбий прокуратуралари ўрнига ҳудудий ҳарбий прокуратуралар ҳамда 4 та янги тузилма, яъни Марказий ҳарбий округ, Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ, Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ ва Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокуратуралари ташкил этилди.

Мазкур Фармонга биноан Республика Ҳарбий прокурорини тайинлаш бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига олинди.

Ҳарбий прокуратура органларидаги ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида ҳарбий прокуратура органларига қўйилган вазифаларни тезкорлик билан бажариш, бошқарув тизимини соддалаштириш ва такомиллаштириш мақсадида 2000 йилда Наманган ҳарбий прокуратураси ва 2001 йилнинг бошида Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ташкил этилди.

Ҳарбий прокуратура органларида ўтказилган юқоридаги тадбирлар ҳарбий прокуратура иш самарадорлигини оширишга, Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳарбий интизомни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиш, ҳарбий қисм, корхона, муассаса ва ташкилотларга етказилган моддий зарарларни ундириш фаолиятига кескин ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳарбий прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритиш тартиби ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, Республика Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари, кўрсатмалари, Низом ва Йўриқномалари; «Ҳарбий прокуратура тўғрисида»ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланди.

2001 йил 29 август куни иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлашган тизимига кириши боис унинг фаолиятида ушбу қонун тўлалигича татбиқ этилди. Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси «Ҳарбий прокуратураси тўғрисида» Низом ишлаб чиқилиб, 2002 йил 19 июнь куни Бош прокурор томонидан тасдиқланди. Ҳозирда ушбу Низом асосида фаолият кўрсатиб келинмоқда.

Бугунги кунда Республика Ҳарбий прокуратурасига бўйсунувчи 5 та ҳарбий округ ва 10 ҳудудий ҳарбий прокуратуралар фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳудуди ҳарбий-маъмурий бошқарув бўйича 5 та ҳарбий округларга, яъни Тошкент, Шарқий, Марказий, Шимоли-ғарбий ва Жануби-ғарбий алоҳида ҳарбий округларга бўлинганлигидан келиб чиқиб, тегишинча Тошкент, Фарғона, Жиззах, Нукус ва Қарши шаҳарларида округ ҳарбий прокуратуралари ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, МХХ тизимининг ҳарбий қисмлари, Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари шунингдек, бошқа вазирлик, маҳкама ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ичкари таъминот бўлинмаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат Республика Ҳарбий прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими ҳамда жойлардаги ҳарбий прокурорлар томонидан амалга оширилади. Айни пайтда ҳарбий прокуратура қонун устуворлигини таъминлар экан, ўзига хос масалаларга доир қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб, то бугунги кунгача ҳарбий прокуратура органлари ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилишда фаоллик кўрсатиб келмоқдалар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, 2009 йил 14 январь — «Ватан ҳимоячилари куни» байрами муносабати билан барча юртдошларимизни, шу жумладан Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларни, шунингдек ҳарбий прокуратура органлари ходимларини, уларнинг оила аъзоларини, ишчилар ва хизматчиларни, фахрийларини Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти номидан самимий табриклайман.

Ватанимизнинг тинчлиги, мустақиллигимизнинг барқарорлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашдек машаққатли лекин, шарафли хизматларида мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар тилайман.

# Ўзбегим, муносиб посбонларинг бор!

**Инсоният пайдо бўлибдики, озодлик учун курашади, эркинликка ва ҳурфикрликка интилади. Мустақиллигини, тинчлик-хотиржамлигини ташқи таҳдидлардан ҳимоялаш эса ҳар бир кишининг бурчидир. Огоҳлик... Бу сўз ва унинг мағзида мужассам асл маъно ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Чунки тинчлик туфайлигина халқимиз порлоқ келажак сари бора олади. Тинч, хотиржам бўлсаккина ҳар қандай қийинчилик, етишмовчиликни енгиб, фаровон ҳаёт кечиришимиз мумкинлигини яхши биламиз. Фақат тинчлик бўлсагина, инсоннинг еган луқмаи ҳалоли ичига тушиши, хурсандчилик қилиш кўнглига сиғиши, эртанги ҳур, фаровон ҳаёт умиди ила яшаш мумкинлиги оддий ҳақиқат. Буни ҳар биримиз қалбан ҳис этамиз. Зеро, неча-неча авлодлар орзу-армони бўлган машаққатлар билан қўлга киритилган истиқлолга эришиш не бахтки бизларга насиб этди. Уни авайлаб-асраш ҳаммамизнинг олий бурчимиздир.**



Дунё доимо безовта. Қаерлардадир уруш олови сўнмаган, қаерлардадир турли қора кучлар тинчликка, хавфсизликка таҳдид солмоқда. Қайсидир мамлакат халқларининг бунёдкорлик тугул турли портлашлар, вайронгарчиликлардан боши чиқмаяпти. Буни биз сира унутмаслигимиз, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етмоғимиз лозим.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқлар ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишлар кўлами ҳам беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниҳоятда теран. Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустаҳкам тинчлик-осойишталикнинг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналар айтмоғимиз даркор. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Муҳтарам юртбошимиз бир йиғинда «Мустақиллик — бу аввало, ҳуқуқдир», деган эдилар. Бу гапнинг замирида олам-олам маъно мужассам. Бу халқимизнинг ўз кучи, билими ва салоҳиятига таяниб, ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олиш ҳуқуқи дегани. Истиқлол йўлида шаҳид кетган, бу дориломон кунларни орзу-армон қилиб ўтган аждодларнинг асрий орзу-ниятларини, истакларини рўёбга чиқариш ҳуқуқи дегани. Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслик ҳуқуқи деганидир бу. Шукурки, истиқлол туфайли эришган бундайин ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишга қодир миллий армиямиз бор.

Бугун миллий армиямиз ҳамда Қуролли Кучларимиз тизимида ўтказиб келинаётган ислоҳотларга назар ташлар эканмиз, бу жараён халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони ҳисобланмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим, деган ғоядан озиқланаётганини ҳис қиламиз. Бир эсга олинг! Истиқлол арафасида, аниқроғи, 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил этарди. Бу эса ўша пайтда кадрлар масаласининг ўта долзарб бўлганини кўрсатади.

Юртбошимиз раҳбарлигида ҳарбий таълим соҳасида олиб борилган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бериб, ҳарбий билим юртларимиз, улардаги факультет ва кафедралар сони ортди. Фахримиз, ифтихоримизга айланган Қуролли Кучлар академияси ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Истиқлолимиз меваси бўлган сержантлар тайёрлаш мактабларини битираётган профессионалларимиз бутун том маънода армиямиз суянчи ва таянчига айланиб қолди. Энди биз сержант деганда аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси, ҳарбийликни касб деб, тақдир деб биладиган ўғлонларни тушунамиз.

Бугун Ўзбекистонимизнинг қайси вилояти, тумани ёки чекка қишлоғига борманг, оламшумул қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг шоҳиди бўласиз. Яшнаётган гўшаларни, уни яшнатаётган инсонларни кўрасиз.

Аммо ютуқларимизни кўролмаётган қора ниятли кимсалар ҳам борлигини асло унутмаслигимиз керак. Улар фарзандларимизнинг онгини заҳарлашга уринмоқдалар ёки информацион урушлар уюштириш ҳаракатига тушмоқдалар. Бу талвасалар ортида турганларнинг нияти битта — у ҳам бўлса Ўзбекистоннинг осойишталигига раҳна солиш. Уларнинг бирлари ўзларининг бундай қора ниятларини дин ниқоби билан яширса, иккинчилари демократияни пеш қилади.

Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бизни огоҳликка ундаб «...фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг «даъвати» ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказолмайди», дея таъкидлаган эдилар.

Ватанга фидойилик билан бир вақтда, минг афсуски, Ватанга хиёнат ҳам ҳамиша мавжуд. Нур борки, соя бор, дейдилар. Аслида хиёнат жоҳилликдан келиб чиқади. Маърифатли киши эса ҳамиша диёнатли бўлади. Не бахтки, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги — илм-маърифатли ёшлар қўлида. Шу боис, юртимиз келажакда фидойи кишилар масканига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас масканга айланишига шак-шубҳа йўқ. Ота-боболарининг шонли аньаналарига, улуғ Шарққа муносиб бўлган фарзандлар вояга етмоқда. Зеро, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотларнинг буюк таълимотлари ва тариқатларининг Ватани ҳам Туркистон заминидир.

Буюк қомусий олим Маҳмуд Қошғарий «Амин бўлдимки, Тангри давлат қуёшини турк қўрғонларидан кўкка чиқаргандир. Уларнинг мулклари қилиб бутун осмони фалакни айлантиргандир. Тангри... ҳақиқат йўлида курашмоқ учун куч берди. Уларга ҳамкор бўлганларни, уларга тарафдор бўлганларни азиз қилди», дея башорат қилган эди.

Ҳа, аждодларимиз қадимда шундай улуғ зотлар бўлишган. Улар ҳар доим жаҳон тараққиётининг қоқ марказида бўлиб келганлар. 120-130 йиллик мазлумлик асоратидан сўнг истиқлол туфайли яна ўзлигимизга қайтдик. Юртимиз мустақил, халқимиз ҳур, озод. Армиямиз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур лашкарларидай салоҳиятга, кучга эга. Миллий армиямиз — бизнинг посбонимиз. Боболаримиз шавкатига муносиб ворис бўлган бу армия юртимиз тинчлигини сақлаб, миллатимиз шарафини улуғлашига ишончимиз комил. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидай:

*Ўзбегим, муносиб посбонларинг бор,*
*Сарҳадларда пўлат қалқонларинг бор.*
*Сен улуғ Темурнинг зурриёдидурсан,*
*Мангуберди каби ўғлонларинг бор.*

**Норбўта ҒОЗИЕВ**

# ЁШЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати миллий қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-талабларига асосланади. Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид универсал аҳамиятга эга муҳим ҳужжатларини ратификация қилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган асосий конвенцияларнинг иштирокчиси ҳисобланади ва ушбу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Жумладан, 2008 йилнинг 4 апрелида «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги, 8 апрелида эса «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар қабул қилинди.

Бу қонун ҳужжатлари мамлакатимизда бола ҳуқуқлари кафолати билан боғлиқ миллий қонунчилигимизнинг янада такомиллашишига хизмат қилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 7 августда «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги «Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шаҳарчалари тўғрисида»ги, 2008 йил 17 октябрдаги «Меҳрибонлик уйи тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари, мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8-августдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-910 сонли қарори ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Ушбу қонун ҳужжатларида барча ёшдаги болалар саломатлигини ҳимоялаш, махсус мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мазкур муассасаларда ишлаётган ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдек масъулиятли ва улкан вазифага, 12 йиллик узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳамда аввал қабул қилинган умуммиллий дастурларни мантиқий ниҳоясига етказишга «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида катта эътибор қаратилди. Президентимизнинг Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган маърузасида келтирилганидек, шу мақсадларда йил давомида қарийб 370 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилди. Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 364 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қарийб 1875 та мактабда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Таълим тизимининг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш мақсадида айрим қонун ҳужжатлари замон талабларига мослаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Хусусан, шу асосда 2008 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» ги 226-сонли қарори қабул қилинди.

Жисмоний ва ақлан заиф болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш мақсадида қатор таклифлар тайёрланди.

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, узлуксиз таълим тизими бўғини ҳисобланган мактабдан ташқари таълим тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш, болаларнинг мактабдан ташқари таълим олиши учун шарт-шароит яратиш тўғрисида таклифлар берилди.

Таълим соҳасида илгари қабул қилинган умуммиллий дастурларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий базани кенгайтириш мақсадида даставвал болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши юзасидан статистика ҳисоботи ва мунтазам мониторинг тизимини жорий этиш бўйича тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Таъкидланганидек, «Ёшлар йили» Давлат дастурида ёшлар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш алоҳида вазифа сифатида белгиланган эди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Адлия вазирлиги ва бошқа вазирликлар билан ҳамкорликда амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланиб, тегишли органларга тақдим этилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар, «Янги авлод» республика болалар фестивали тўғрисидаги, барча умумтаълим муассасаларида «Оила-маҳалла-мактаб» ҳамкорлик марказларини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳалари шулар жумласидандир. Ёшларни ёт, зарарли таъсирларга тушиб қолишдан асраш, уларни мустақил фикрлайдиган, қатъиятли этиб тарбиялаш борасида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда махсус Дастур ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари атрофлича таҳлил қилиниб, ёшлар ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликлари белгиланган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилди. Амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш жараёни Конституция ва кодекслардан ташқари бу соҳада 22 қонун, Ўзбекистон Президентининг 15 фармони ва 11 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 қарори, 32 идоравий-меъёрий ҳужжат мавжуд эканини кўрсатди.

Ҳар бир қонун, фармон ва қарор бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳиятига мослиги нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилинди. Бунда қайси қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши ва яна қандай янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ёшларнинг бугунги кундаги эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш, меҳнат, ижтимоий таъминот, таълим соҳаларига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳ фаолияти натижасида бевосита ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларига дахлдор 130 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тузилди, бу борада халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар тайёрланди.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларда ёшларнинг ижтимоий таъминоти ва меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, улар орасида ишсизликни бартараф этиш, салоҳият ва имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароит яратиш давлатимизнинг доимий эътиборидадир. 2008 йилда 660 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани ва бу иш жойлари асосан ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилгани Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг амалий аҳамиятини ва ижроси қанчалик кенг қулоч ёйганини кўрсатади.

Албатта, бу борада кўпгина тармоқ, идора ва муассасалар ҳамжиҳатлик кўрсатганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Адлия вазирлиги ва тегишли идоралар томонидан иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт соҳаларида бўш иш ўринлари мавжудлигини, ҳудудлар ва мутахассисликлар бўйича ёшларнинг бандлик даражасини комплекс инвентаризациядан ўтказиш, таҳлил қилиш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари, соҳалари ҳамда минтақалар бўйича ҳар йили кадрларга бўлган эҳтиёжнинг прогнозини ишлаб чиқиш бўйича самарали механизм яратиш юзасидан тегишли таклифлар тайёрланди. Ёшларни касбга йўналтириш ишларини тубдан яхшилаш, таълим муассасалари ва корхоналар ўртасида шерикчилик муносабатларини ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу чора-тадбирлар ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини корхоналарда ўташини такомиллаштиришга, битирувчиларни буюртма асосида корхоналарга кафолатли тарзда ишга жойлаштиришга қаратилгани билан катта аҳамиятга эга.

Корхона ва ташкилотлар талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, камида 10 минг кишини, биринчи навбатда, банд бўлмаган ёшларни аниқ касб ҳамда кўникмалари бўйича ўқитиш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этиш алоҳида вазифа этиб белгиланганди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 217 та касб-ҳунар коллежида ёшларни қайта тайёрлаш борасида тегишли режа тасдиқланиб, жойлардаги туман, шаҳар ҳокимликларига, Бандликка кўмаклашиш марказларига юборилди. Ҳисобот даврида таянч касб-ҳунар коллежларида 10 минг 362 нафар ишсиз ёшлар муайян касбга қайта ўқитилди. Ушбу мақсадга 1 миллиард 621 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини, мамлакатимиз истиқболини таъминлашдаги ўрнини аҳолининг кенг қатламига тушунтириш дастур муваффақиятининг асосий омилларидан бўлди. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан Давлат дастурининг моҳиятини жамоатчиликка етказиш мақсадида жойларда кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот тадбирлари амалга оширилди. Шуни таъкидлаш ўринлики, жорий йилда амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиш ҳамда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш» Дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилди. Мамлакатимиз телевидениеси, радиоканаллари билан ҳамкорликда кўплаб кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланди. Айниқса, Адлия вазирлиги тизими ходимларининг газета ва журналлар орқали ушбу мавзудаги чиқишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Вилоятларда кўплаб конференция, учрашув ва семинарлар ташкил этилди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар сони 100 мингдан ошиб кетди.

Жумладан, Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2008 йилнинг ноябрь ойида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасалари ва маҳаллаларда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад-вазифалари, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда уларнинг соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилишга оид бошқа қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий тарғибот ойлиги ўтказилди.

Шунингдек, тармоқ дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятни ривожлантиришда ёшларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди.

Давлат дастурининг ижроси чинакам умуммиллий ҳаракатга айланганини фермерлар, тадбиркорлар, маҳалла фаоллари томонидан турли даражадаги ҳомийлик тадбирлари амалга оширилганида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 29 февралдаги «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида республикамиз ФҲДЁ органлари томонидан жами 1311 та кам таъминланган оиланинг тўй ва тантаналарини ўтказишга амалий ёрдам берилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароит яратиб беришга катта эътибор берилмоқда. Бинобарин, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» сифатида белгиланган 2009 йилда ҳам давом эттирилади. Айниқса, қишлоқ ёшларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий шароитини янада яхшилаш, улар етук, ҳар томонлама баркамол авлод сифатида келажагимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун бор имкониятлар ишга солиниши шубҳасиз.

**!!!** ***«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида йил давомида қарийб 370 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 184 та замонавий лицей ва коллеж барпо этилди. Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 364 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қарийб 1875 та мактабда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.***

## ҲАҚИНИ КИМ ТЎЛАШИ КЕРАК?

*Мен кўп қаватли уйнинг ўз номимга хусусийлаштирилган хонадонида яшайман. Кейинги йиллар давомида иситиш тизими нормал ишламаганлиги, хоналарни иситиб беролмаганлиги ва етказиб берилмаган иссиқлик учун пул талаб қилаверишганидан сўнг батареяларимни иссиқлик манбаидан узиб қўйишга мажбур бўлдим. «Иссиқлик манбаи» ОАЖ ва ширкат вакиллари иштирокида бу ҳолат расмийлаштирилди. Аммо, иссиқлик етказиб берувчи ташкилот юқори қаватдаги квартирани иситиш учун сизнинг хонадонингиздан ўтган стоякдан фойдаланаяпсиз деган важ билан ҳар бир стоякка рафиқамнинг ишхонасида 1600 сўмдан ушлаб қолаяпти. Шу тўғрими?*

*Хонадонимдан ўтган, лекин мен фойдаланмайдиган иситиш стоякларига нисбатан Фуқаролик кодексининг 173-моддасида назарда тутилган тартибда сервитут белгиланиши мумкинми?*

*Агар шундай бўлса, мен худди шу модданинг 6-қисми тартибида иссиқлик манбаи ташкилотига тўлаган ҳаққимни юқори қаватдаги хонадон эгасидан талаб қилишга ҳақлиманми?*

**Ш.ОТАЖОНОВ, Урганч шаҳри**

Ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш ҳолатлари Меҳнат кодексининг 164-моддасида қайд этилган бўлиб, унда умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин, дейилади.

Шу билан бирга сиз тилга олган ҳолат мазкур модда талабига кўра ходим меҳнат ҳақидан унинг розилигисиз мажбурий тарзда ушлаб қолинадиган ҳолатларга кирмайди. Коммунал хизмат ҳақлари бўйича ҳосил бўлган қарздорлик ва бу хусусдаги ҳар қандай низолар истеъмолчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ тарзда ёки суд орқали ҳал этилиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 173-моддасида белгиланган тартибга келадиган бўлсак, ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эхтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эхтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Сервитутнинг белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида муросага келинмаса, баҳс сервитут белгилашни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади. Сиз билан боғлиқ вазиятда ҳам ҳақни талаб қилиш масаласини суд орқали ҳал этишингиз мақсадга мувофиқ.

## КИМЛАР ВАКИЛ БЎЛАДИ?

***Корхона, ташкилот, хусусий фирма, маҳалла фуқаролар йиғини ўз ходимларига таалluқли ишлар бўйича тергов, суд органларига ўз вакили этиб кимларни жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида юбориши мумкин?***

***Юбориладиган вакиллар шу ташкилот ходими ёки фуқароси бўлиши шартми?***

**Н.ИСАКОВ, Фарғона тумани**

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакилларини Жиноят-процессуал кодексининг 42-моддаси талабларига мувофиқ тарзда юборишлари мумкин.

Бунга кўра, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши кўрсатади. Йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозим.

Жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

Юбориладиган вакиллар албатта мазкур ташкилот ходими ёки шу маҳалла фуқароси бўлиши керак.

## БИР ЙИЛЛИК ШАРТНОМА

***Мен фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ҳар йили пахта ва дон маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун шартнома шартларига мувофиқ тарзда етказиб бераман.***

***Мен фермер хўжаликда ишловчи ишчилар билан муддатли (бир йилга) меҳнат шартномаси тузишга ҳақлиманми?***

**Ж.ОТАШЕВ, Олот тумани**

Фермер хўжалигидаги иш тартиби ишлар ҳажми тақсимоти мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда хўжалик бошлиғи томонидан белгиланади.

Меҳнат кодексининг 75-моддаси талабидан келиб чиққан тарзда, сиз ишчилар билан мавсумий, яъни муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб шартнома тузишингиз мумкин.

## ҚАЕРДА КЎРСАТИЛГАН?

***Ҳарбий хизматчиларнинг даромадларига солиқ солиш имтиёзи 2009 йилдан бекор қилинадими ёки йўқми? Бу имтиёз қайси қонунда кўрсатилган?***

**А.МАНСУРОВ, Боғдод тумани**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммаларига даромад солиғи солинмайди. Мазкур қонун талаби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180-моддасида қайд қилинган.

## ТЎЛОВ ҚАЙСИ ВАЛЮТАДА БЎЛАДИ?

***УППО «Тоштеплоэнерго» корхонаси бизнинг хонадонларга иссиқ сув ўлчагич ўрнатиш учун шартнома тузиб, ҳисоблагич приборининг нархини 20-19 АҚШ долларда кўрсатган. Уй эгалари билан корхона ҳисоблагич учун чет эл валютасида пул тўлаш тўғрисида шартнома тузишга ҳақлими? Бу қайси қонунда кўрсатилган? Биз пенсияни миллий валютада олсак, долларни қаердан олиб тўлаймиз?***

***Биз яшаётган кўп қаватли уй 1964 йилда қурилган. Шу сабабли бизга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 март 2002 йилги 74-сонли қарори татбиқ этиладими? Мазкур қарор бекор қилинганми ёки амалда қўлланилаяптими?***

**М.ОЛИМЖОНОВ, Миробод тумани**

Фуқаролик кодексининг 354-моддасида белгиланишича, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Ана шу қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан, яъни уларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Шу билан бирга, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида ҳам товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади дейилган. Бинобарин, тўлов шаклини қайси валютада белгилаш ва АҚШ долларида ёки унинг миллий валютага нисбатан қийматини ҳисобга олган ҳолда тўловни амалга ошириш таъқиқланиши хусусида бирон бир чеклов йўқ. Шу боис, агар сиз шартнома тузмаган бўлсангиз, бундай шартларда шартнома тузишдан бош тортишингиз, тузилган тақдирда эса тўлов қийматини қайси валютада амалга ошириш борасидаги таклиф билан шартномада белгиланган тартибда иккинчи тарафга мурожаат қилишингиз мумкин. Чунки, Фуқаролик кодексининг 384-моддасида шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса дейилади. Шунингдек, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Навбатдаги саволингизда тилга олинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 март 2002 йилги 74-сонли қарори бугунги кунда бекор қилингани йўқ. Унда 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий равишда фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш масалалари назарда тутилган.

## ЎЗ УЙИНГ – ЎЛАН ТЎШАГИНГ

***Ҳарбий хизматчиларга навбатсиз тарзда ер участкаси бериш тартиби амалдами?***

***Ҳарбий хизматчи бошқа жойга ишга юборилганда хизмат турар-жойи берилиши керакми? Агар бундай турар-жой берилмаса, у қаерда туради?***

**Ж.КАМОЛОВ, Самарқанд шаҳри**

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади. Унга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари кимошди савдолари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 август куни 36-сонли қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг офицерлар таркибидаги шахсларига, муддатдан ташқари хизматдаги прапоршикларга, мичманлар ва ҳарбий хизматчиларга уларнинг эгаллаб келган уй-жой майдонлари хизмат жойини ўзгартирганларида банд қилиб қўйилади, янги хизмат жойида хизмат уй-жой бинолари берилади. Агар бундай хизмат турар-жой билан ҳарбий хизматчини таъминлашнинг имкони бўлмаса, турар-жойни ижарага олган ҳолда яшаб туриш мумкин. Бундай ҳолда, ижарада турганлик учун амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) пул компенсация тўлаб берилади. Бу ҳудудлар бўйича:

— Тошкент шаҳрида — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда;

— Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида — энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

— Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари, туманлар марказлари ва аҳоли пунктларида — энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда тўланади.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (ҳарбий хизматчининг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. Бунда ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматни ўташ жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади.

Бундай компенсацияни олиш учун вақтинча яшаш жойини ва коммунал хизматлар қийматисиз турар-жойни ижарага олганлик учун амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда командирга рапорт берадилар.

## АҲАМИЯТИ БОРМИ?

***Мустақилликка эришганимиздан кейин никоҳ шартномаси деган тушунча ҳам кириб келди. Айтингчи, бундай шартнома қачон тузилса тўғри бўлади, никоҳгачами ёки никоҳ давомидами?***

**К.НУРИМБЕТОВ, Беруний тумани**

Бунинг аҳамияти йўқ. Чунки, Оила кодексининг 30-моддаси талаби бўйича никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Бундай шартнома албатта ёзма равишда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Ушбу қоидага амал қилмаслик, никоҳ шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади. Сабаби, бу шартнома узоқ муддат амал қилади ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни белгилайди. Шу боис ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ ҳамда қатъий бўлишини белгилашда ёзмалиги ва нотариал тасдиқланиши муҳим ўрин тутади.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди

# УСТОМОН ФИРИБГАР

Иш тугашига яқин қолганда Ҳасан(исмлар ўзгартирилган) дўкон эгаси Сожида опага юзланди:

— Опа, сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим.

— Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик, опа. Уйдагилар тўй ҳаракатига тушиб қолишган. Шунга озроқ пул керак эди. Бериб туролмайсизми?

— Ие, табриклайман. Ишқилиб, ўғлига бошласин. Пул тўйга керакми?

— Ҳа, агар пул топмасам, тўйни бошлай олмаймиз. У қизни ҳам бошқага узатворишади. Жон опа, ёрдам беринг.

— Қанча керак?

— 7 минг бўлса етарди.

Ҳасан илгари ҳам бир-икки марта пул сўраб, тезда қайтариб берганн учун, Сожида опа узоқ ўйланиб ўтирмади:

— Менда бунча йўғ-у, озроқ топиб беришим мумкин.

— Майли опа, қанча бўлса ҳам, — оғзи қулоғида, шоша-пиша рози бўлди Ҳасан. Эртасига Сожида опа унга 5000 доллар келтириб берди.

Орадан кўп ўтмай, тўй ҳам бўлиб ўтди.

Икки ойлардан кейин Ҳасан Сожида опадан яна қарзга пул сўради.

— Сен аввало олдин олган пулларни қайтаргин. Бўйнингда шунча қарзинг бўла туриб, яна сўрайсанa?

— Нима қилай? Қарзларим кўпайиб кетди. Сиз хавотир олманг. Онам яқинда кредит олади. Икки-уч ҳафталарда қайтариб бераман.

У деб, бу деб, охири Сожида опадан яна 2300 доллар ундирган Ҳасан шу кетганча, қорасини кўрсатмади. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Сожида опа унинг уйига боришга қарор қилди. Ота-онасини воқеадан хабардор қилиб, уларнинг гувоҳлигида Ҳасандан тилхат ёздириб олди.

Бу воқеа 2005 йил декабрь ойида бўлган эди. Орадан анча вақт ўтиб, яъни 2007 йилнинг май ойида Ҳасан Сожида опадан олган қарзининг 4000 долларини қайтариб, қолганини тез кунларда тўғрилаб беришни ваъда қилди-ю, дом-дараксиз кетди...

* * *

Март ойининг ўрталарида тўсатдан Ҳасаннинг оёғига яра тошиб кетди. Докторга кўринган эди, касалхонага ётишни маслаҳат берди. Даволаниш пайтида шу ерда ишлайдиган Равшан деган йигит билан танишиб қолди. Равшан бўш пайтида унинг ёнига кирар, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришарди. Гап орасида Ҳасан «МТС» экспресс-тўлов карточкалари олди-сотдиси билан шуғулланишини-ю, бу ишдан яхшигина даромад топиши ҳақида гапириб, уни шерикчиликка таклиф қилди. Равшаннинг розилигини олгач, касалхонадан чиққандан сўнг, бир неча бор унинг ёнига келиб, қарзга 2000-3000 доллардан пул олди. Қарзни қайтариш пайтида фойдадан Равшаннинг ҳам улушини беришни унутмади. Шу тарзда икки ой ўтди.

Июнь ойининг бошларида Равшаннинг олдига келган Ҳасан Андижондан карточкаларнинг катта партиясига «заказ» тушганини айтиб, бу сафар 15 минг 100 доллар пул сўради.

— Менда бунча пул нима қилади?

— Равшан ака, олти-етти кунда қайтараман. Бирортасидан топиб берсангиз ҳам майли. Шундоқ «шанс»ни қўлдан чиқармайлик. Фойдаси ҳам яхши бўлади.

Икки ой давомида 150-200 доллардан фойда олиб, мазахўрак бўлиб қолган Равшан бу илтимосга йўқ деёлмади. Эртаси куни Ҳасанга айтилган пулни берди. Орадан ўн кунча вақт ўтганда пайдо бўлган Ҳасан олган қарзини қайтариш ўрнига, марғилонлик танишларидан ҳам карточкаларга буюртма борлигини айтиб, яна пул сўради. Равшан аввалига кўнмади. Аммо Ҳасан у деб-бу деб охири кўндирди. Икки кундан кейин Равшандан 10 минг долларни ундирган Ҳасан пулларни «иш»га қўйишга равона бўлди. Кўп ўтмай пайдо бўлди-да, укаси сарёғ билан тижорат қилишини, Қаршидан 5 тонна сарёғ учун буюртма тушганини айтиб, яна пул сўради. Бир амаллаб 10 минг долларни қўлга киритгач, блокнотини Равшанга кўрсатиб, шу кунгача ундан 35 минг 100 доллар олганини, соф 1 млн. 800 минг сўм фойдаси йиғилганини айтиб, пулларни тез кунда қайтаришга ваъда берди...



«Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», дейишади. Шундай экан, Равшаннинг бу даражада соддалигига ҳайрон қолади, киши. Ҳасан бўлса бундан усталик билан фойдаланди. У Равшаннинг ёнига ҳар келганида албатта қуруқ кетмасди. Бир гал Урганчдан, кейингисида Марғилондан карточкаларга катта миқдорда буюртма борлигини айтса, бошқа сафар 60 тонна ун борлигини, олиб сотишса, яхшигина фойда кўришлари мумкинлиги ҳақида башорат қилиб, яна 20 минг доллар ундирди. Кейинги келишида эса банандан бўшаган коробкаларни бир доллардан олиб, Қозоғистонда икки доллардан сотиш мумкинлигини айтиб, оғиз кўпиртирди. Натижада яна 16 минг долларни қўлга киритди. Кўп ўтмай пайдо бўлган Ҳасан Андижонда 80 мингта банандан бўшаган коробкалар борлигини, бир доллардан олиб, икки доллардан сотишга харидор топиб қўйгани ҳақида лоф ура бошлади. Унинг баландпарвоз гапларига лаққа тушган Равшан бу сафар нақд 16 минг долларни қандай қилиб тутқазганини билмай ҳам қолди. Орада Ҳасан Равшанни машинасига ўтқазиб, Зангиотадаги қабристонга олиб боришни ҳам унутмади. «Равшан ака, бу ерда аждодларим ётишибди. Сиз менга ишонмаяпсиз. Шунинг учун сизни бу ерга олиб келдим. Қасам ичиб айтаманки, пулларингизни еб юборганим йўқ. Мен уларни айлантираяпман. Алдасам, худо урсин», деб Равшанни имкон қадар хотиржам қилишга ҳаракат қилди. Хуллас, охир-оқибат Ҳасаннинг Равшандан олган жами қарзи 90 минг 100 долларга етди. Бироқ, Ҳасан олган қарзини қайтаришни хаёлига ҳам келтирмасди. Шундан сўнг Равшан тегишли органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди...

* * *

2007 йилнинг куз ойларидан бирида Ҳасан мактабдоши Мирвалини учратиб қолди. Бироз суҳбатлашишди. Ўқиш даврини эслашди. Гап орасида Мирвали анчадан бери машина олмоқчи бўлиб юргани ҳақида гапириб қолди.

— Шуям «проблемами?», — менсимаган оҳангда гап бошлади Ҳасан, — қанақа машина олмоқчисан?

— Бўлганига яраша «Нексия»да! Нима, қўлингдан келадими?

— «Ми»сини олиб ташла, ўртоқ. Сен илтимос қиласану, мен йўқ дейманми? Соққаси бўлса, бўлди-да!

— Қанчага тушаркин?

— Кўкида 14 мингларга бордиёв. Агар бугун берсанг, ўн кунда калитни қўлингга оласан.

Мирвали ўша куниёқ 14 минг долларни Ҳасанга келтириб берди. Бир ҳафтадан кейин у Ҳасанга қўнғироқ қилиб, янгилик бор-йўқлиги билан қизиққан эди, «яна уч-тўрт кундан кейин Фарғонага кетаман. Шу баҳонада машинани ҳам олиб келаман», деган жавобни эшитди. Орадан кунлар ўтди. Аммо машинадан ҳам, Ҳасандан ҳам дарак бўлмади. Бундан хавотирланган Мирвали Ҳасаннинг уйига боришга мажбур бўлди. Ҳасаннинг отаси ўғлининг анчадан бери уйга келмаётганлиги, ўзлари ҳам уни қидиришаётганлигини айтиб, Мирвалининг юрагига баттар ғулғула солди...

* * *

Ҳаш-паш дегунча, қиш ҳам келди. Бу гал Ҳасаннинг тузоғига танишн Фарҳод илинди. Ҳасан машина олиб-сотаётгани ҳақидаги уйдирмасини шунчалар ишонарли қилиб тасвирладики, Фарҳод шу заҳоти уйига қўнғироқ қилиб, онасидан тез пул топиб беришни сўради. Онаси аввалига ҳайрон бўлди. Сўнгра уйда бунча пул йўқлигини айтиб, тоғангдан сўраб кўр дея, маслаҳат берди. Кўп ўтмай укаси телефон қилиб, «опа, ўғлингиз пул сўраяпти. Тинчликми?» деб сўради. Гап нимадалигини билгач, рози бўлди. Бироздан кейин уйга кириб келган Фарҳод онасининг саволларига Ҳасанни илгаридан яхши танишини, ҳозир унга пул жудаям зарур бўлиб қолганини, агар ишонишмаса, нотариусдан расмийлаштириб олишлари мумкинлигини айтиб, уни хотиржам қилди. Ҳасан келгач, у билан Фарҳоднинг онаси пулни олишга жўнашди. Йўлда Ҳасанга кимдир қўнғироқ қилиб қолди. Ҳасан «ҳозир пулга кетаяпмиз. Ҳал бўлгандан кейин ўзим телефон қиламан» деб гапни қисқа қилди. Уканинг уйига келиб, пулни олишгач, тўғри нотариал идорага йўл олишди. У ерда Ҳасан Фарҳоднинг онасидан ўн кунда қайтариш шарти билан 7 млн. 375 минг сўм олгани ҳақида шартнома тузишди. Шундан сўнг ўн кунлар чамаси Ҳасан уларникига тез-тез келиб турди-ю, тўсатдан ғойиб бўлди. Орадан уч ҳафтача ўтгач, қўнғироқ қилиб, олти-етти кунларда пулни қайтараман деб хотиржам қилган бўлди-ю, бу сафар ҳам ваъдасида турмади. Бундан хавотирга тушган она ёнига Фарҳодни олиб Ҳасаннинг уйига қидириб боришга мажбур бўлди. У ердан эса Ҳасанни топишолмади...

* * *

2008 йилнинг сентябрь ойида жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди Ҳасан Парпиевнинг қилмишини кўриб чиқиб, уни етти йил озодликдан маҳрум этиш ҳамда жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. Бир қарағанда ҳаммаси рисоладагидек. Аммо...

Юқорида Ҳасан Парпиевнинг алдовларига учиб анча-мунча пулларидан ажралганларни жабрланувчилар деб атадик. Лекин Равшанни ҳам уларнинг қаторига қўшиш тўғримикин? Аниқроқ айтадиган бўлсак, бошқалардан фарқли ўлароқ Равшаннинг бу ҳолга тушишига биринчи галда ўз соддалиги сабаб бўлса, иккинчидан нафсига қул бўлиб, мўмай даромад илинжи панд берди.

**Аброр АРИПОВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокурорининг ёрдамчиси**

# 5 МИНГ ДОЛЛАРЛИК «ИШ»

**2007 йил 19 июль куни Россия Федерациясининг Москва шаҳар, Перервь кўчаси 59-уй, 134-хонадонида номаълум аёл кишининг мурдаси топилган. Мазкур қотиллик ҳолати бўйича Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.**
**Хўш, бу қотилликни ким, нима учун қилган?**

Каттақўрғонлик Дилшод ва Рустам (исмлар ўзгартиб берилмоқда) ишлаб пул топиш ниятида 2006 йилнинг ёзида Россияга кетишади. Дилшод дастлаб Санкт-Петербург шаҳридаги қурилишлардан бирида ишлайди. Кейинроқ у таниши Рустам билан иш излаб, Москва шаҳрига келади. Москвада Михаил деган киши кўп қаватли уйлардан бирида таъмирлаш ишлари борлигини айтиб, уларни Вера исмли аёл билан таништиради. Аёлнинг яшаш уйидан ташқари Перерв кўчасида ҳам уйи бор эди. У ўша уйини таъмирлатиш ниятида Дилшод ва Рустам билан савдолашиб, у ерга бошлаб боради.

Таъмирлаш ишлари бошлаб юборилгач, Вера кунора йигитлардан хабар олиб турди. Лекин аёлга ишчиларнинг иши унмаётгандек туюлди. Ҳақиқатан ҳам Дилшод ичкиликка берилиб, тайинли иш қилмас, Рустам эса у буюрган ишнигина бажарарди. Уларнинг сусткашлиги Верага ёқмади. У ишчиларга:

— Ишни тезлаштирмасаларинг мендан бир тийин ҳам ололмайсанлар, — деб уришиб кетди.

Веранинг жанжалидан сўнг ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келган Дилшод Рустамга:

— Бу аёлда пул кўп. Уни тинчитиб, пулларини олиб қочиб кетамиз, — деди.

Шундоғам иш ёқмай турган Рустамга бу таклиф маъқул тушди-ю лекин бироз иккиланди.

— Қандоғ бўларкин, — деди у ўйланиб.

— Буёғини менга қўйиб беравер, — деди Дилшод.

Ўша куни Дилшод Верага телефон қилиб, гап орасида бир келиб кетишини айтди. Аёл келгунича, Дилшод уйнинг балконидаги арқонни кесиб, чилвир тайёрлаб қўйди. Шу орада улар спиртли ичимлик ҳам ичиб олишди.

Уйга келган Вера ишчиларнинг ҳеч иш қилмай ўтирганини кўргач, жаҳли чиқиб бақира кетди:

— Алкашсанлар, ишламайсанлар, пул бермайман сенларга!

Аёл аччиқланиб кетишга чоғланганида Дилшод унга ташланди. Иккаласи аёлни полга йиқитиб, оёқ-қўлини боғлаб ташлашди.

Уларнинг мақсадини тушунган аёл йигитларга ёлвора бошлади:

— Қанча десаларинг бераман, фақат мени қўйиб юборинглар.

Аёлнинг ёлвора бошлаганидан ўзича ҳаволанган Дилшод қўлига пичоқ олди:

— Қанча пулинг бор, қаерда?

Вера уйида 5 минг АҚШ доллари борлигини айтди. Дилшод уйнинг манзилини сўраб, ёзиб олди. Сўнг аёлнинг сумкасидан уйнинг калитини ва қўл телефонини олиб, Рустамга Верани топширди. Ўзи эса аёлнинг уйидаги пулларни олиб келиш учун чиқиб кетди.

Дилшод Вера айтган манзилни топа олмади. Шундан сўнг, у Рустамга телефон қилиб, аёлнинг манзилини қайта сўради. Бу сафар ноиложликдан аёл ўз манзилини тўғри айтди. Манзилни адашмай топиб борган Дилшод калит билан уйга кирди. Аёл айтган жойдан 5000 доллар ҳамда яна битта қўл телефонини олиб чиқди.

Қайтиб келган Дилшод Рустамга «ишни охирига етказамиз» деган маънода қаради. Одамийлик қиёфасини унутган йигитларнинг қўлларидаги кувалдани кўрган аёл куни битганини тушунди...

Эртаси куни қотиллар авиакассага бориб, Москва — Тошкент йўналиши бўйича чипта сотиб олишди. Кейин ўша, қотиллик содир этилган квартирага қайтишиб, аёлнинг жасадини ваннага солиб, устидан ҳар хил нарсалар ташлаб қўйишди. Шундан сўнг ҳеч нарса кўрмагандек, юртига қайтиб келишди.

Шу билан ёпиғли қозон ёпиғлигича қолгандек эди. Аммо... Тергов-суриштирув ишлари давомида калаванинг учи чиқиб қолди.

Айбланувчилар ўз қилмишларига тўлиқ иқрор бўлишди. Суд ҳукми билан улар узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилди. Энди Дилшод ва Рустам ҳаётларининг энг навқирон йилларини панжара ортида, озодликни қўмсаб ўтказадилар.

**А.АМРУЛЛАЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси АМИБ катта терговчиси**

# НАРКОБИЗНЕС ВА ТЕРРОРИЗМ

Инсон фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олган кескин глобаллашув жараёни ижобий характерга эга бўлиб, инсоният учун мислсиз имкониятлар эшигини очмоқда. Афсуски, содир бўлаётган бундай ўзгаришларнинг салбий томони ҳам борки, у ҳам бўлса бу жараённинг дунё тинчлигига хавф солувчи уюшган жиноятчилик, халқаро терроризм, наркобизнеснинг трансмиллий характер тусини олишига қулай шарт-шароит яратиши ва «паспортсиз муаммога» айланиши, инсоният ҳамда давлатлар миллий хавфсизлигига таҳдид қилишидир.

Ҳар қандай террористик тузилма ва унинг фаолияти, унинг молиялаштирилиш ҳажмига бевосита боғлиқдир.

Дунё тажрибасидан маълумки, терроризмнинг барча турларининг бақувват озуқаси яширин иқтисодиётдан келиб чиқади. Айни пайтда, террористик ташкилотлар наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва сотиш каби молия манбаларидан ҳам озиқланади. Бу ерда, мутахассисларнинг фикрича, наркобизнес билан машғул террористик гуруҳлар ва криминал тузилмалар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши ва мавжуд кучларнинг тўпланиши юз беради.

Наркобизнес ва терроризмнинг ҳамкорлиги, асосан, наркотик воситалар ва психотроп моддалар савдосидан келиб тушадиган мўмай даромадларда кўзга ташланади.

Чунончи, БМТ экспертларининг кузатишларига кўра, наркоиндустриянинг йиллик айланмаси 600 миллиард АҚШ доллари, яъни халқаро савдо-сотиқнинг 8 фоизини ташкил этади.



Наркотик моддалар савдосидан келиб тушадиган даромад 300 дан 2000 фоизини ташкил этади. Бу эса жиноий тузилмаларни ўзига ром этадиган омиллардан биридир. БМТнинг бутун жаҳондаги наркотик савдоси ҳолатига оид маъruзасида таъкидлаганидек, дунё наркобизнеси айланмаси жаҳон автоиндустрия ва «қора метал» айланмасидан ҳам ошиб тушар экан.

Наркоиндустриянинг терроризм билан жуфтлиги тасодифий бўлмай, балки бу нарса нафақат ўз-ўзини таъминлаш, балки катта даромад келтирувчи бизнесни бунёд этишга ҳам замин яратади.

Бой ҳарбий ҳаракат тажрибасига эга террористлар наркофурушларни қурол-аслаҳа билан таъминлайди, наркотик етиштирувчилар эса террористларга, уларнинг қўндалик пул топиш манбаларидан анча юқори турадиган молия манбаларига йўл очиб беради. Наркофурушлар, шунингдек, пулни ноқонуний йўл билан етказиш ва тақсимлашда ҳам катта тажрибага эга.

Ўз манфаатлари йўлида бирбиридан фойдаланадиган ва наркоиндустрия жиноий тузилмалари билан «бирга ишлашувчи» террористик ташкилотларнинг рўйхати ниҳоятда узун.

Масалан, Марказий Америка мамлакатларида наркокартелларларнинг ноқонуний ҳарбий тузилмалар билан ҳамкорлиги минтақадаги давлатларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига жиддий хавф туғдирмоқда.

Кокаин ишлаб чиқариш ва уни тарқатиш бўйича дунёда «етакчи»лардан ҳисобланган Колумбияда эса (колумбиялик наркобаронларнинг йиллик даромади йилига 3-5 миллиард долларни ташкил қилади) наркомафия мамлакатнинг айрим провинцияларидаги айирмачи гуруҳлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

«Колумбия инқилобий ҳарбий кучлари» (КИҲК) ва «Миллий озодлик армияси» (МОА) каби террористик ташкилотлар томонидан наркотик ишлаб чиқарувчилардан уларнинг лаборатория ҳамда наркотик моддалар етиштириладиган ерлар муҳофазаси, умуман, наркобизнеснинг хавфсизлигини таъминлашлари эвазига йилига қарийб 900 млн. доллар «солиқ» олар экан. Ўз капитал хавфсизлигини таъминлашда КИҲК ва МОА жангчилари наркоплантацияларни йўқ қилиш операциясида иштирок этаётган ҳукумат ҳарбийларига ҳеч иккиланмасдан туриб ўт очмоқда.



«Наркодоллар»нинг террористик ташкилотлар томонидан энг замонавий қурол-яроғ, алоқа воситалари ва бошқа зарурий ашёлар сотиб олишга ишлатилиши уларнинг «яшовчанлиги»га хизмат қилмоқда.

Перу ҳукумати томонидан жорий қилинган наркобизнес инфратузилмасини йўқ қилишга қаратилган махсус дастурлар натижасида наркоташкилотларнинг «Сендеро Луминосо» ва «Тупак Амару» инқилобий ҳаракатига ўхшаган террористик гуруҳлар билан алоқа ўрнатишдан ўзга чораси қолмаган эди.

Лекин террорчилар ва наркофурушларнинг бу мамлакатлардаги ҳамкорлиги ҳар доим ҳам силлиқ кечавермайди. Баъзи наркоташкилотлар террористик ташкилотларга қарши кураш олиб бориш мақсадида ҳукумат ҳарбий кучлари билан ҳам бирлашмоқдалар. Чунки, кичик наркоташкилотлар террористлар шарти ва талабларига қарши туриш имконига эга эмаслар.

Сўнгги ўттиз йил ичида кўкнор опиуми(қорадори) тайёрлаш ва героин ҳамда морфий ишлаб чиқаришдаги вазият «Олтин ярим ой» мамлакатлари ҳисобланган Афғонистон, Покистон ва Эрондаги ички сиёсий ҳолатга кўра бир неча бор ўзгарди.

Ўзининг қулай геосиёсий жойлашишига (денгизга чиқиш йўллари, порт ҳамда автойўллар инфратузилмасига) кўра бир неча ўн йиллар мобайнида Эрон наркотик моддаларни Афғонистондан Туркияга, кейин Оврўпага олиб чиқишдаги асосий транзит нуқтаси ҳисобланар эди. Шу даврда ўзининг қулай иқлим шароити ва аҳолисининг ўзга даромад манбаининг йўқлиги сабабли Афғонистон кўкнор опиумининг асосий етиштириб чиқарувчиси эди.

1979 йилда Ислом инқилобининг ғалабасидан сўнг Эронда наркотик савдоси учун ўлим жазосини назарда тутган қонун қабул қилиниб, Миллий Ислом гвардияси отрядлари махсус тайёргарликдан ўтган эди. БМТ ёрдамида бир қатор давлат дастурлари жорий этилди. Буларнинг барчаси, бир неча ўн йилликлар мобайнида Эрон учун мамлакатда наркобизнес муаммосини ҳал қилишга имкон яратди.

«Олтин ярим ой»нинг бошқа бир мамлакати бўлган Афғонистонда вазият бунга қарама-қарши йўналишда ривожланди. Бу ерда ўтган асрнинг 70 йиллари охиригача мамлакатда кўкнор опиуми ишлатиш, асосан, хўжалик кўринишида кечди.

1970-1980 йиллардаги қатор сиёсий воқеалар натижасида вазият ўзгариб, бу мамлакатни ижтимоий-сиёсий инқирозга олиб келди. Бу вақтда Покистон ҳудудий сарҳадларида ҳозирги наркобизнес инфратузилмасининг пойдевори қурилган эди.

1990 йилдаги фуқаролик уруши, асосан аграр сектордан ташкил топган, мамлакатнинг ўзи шундоқ ҳам заиф иқтисодиётини синдирди. Айнан 1990 йилларда Афғонистон энг асосий кўкнор опиуми ишлаб чиқарувчи ва дунё бозорига етказиб берувчи мамлакат эди. Ўша вақтда давлат ҳудудининг 70% кўкнор опиуми экинзорларига мўлжалланган эди.

Ушбу вазият 1994 йилда ҳукумат учун жадал ҳарбий курашни бошлаган ва 1996 йилга келиб мамлакатнинг 90% ҳудудида ўзининг назоратини ўрнатган «Толибон» ҳаракати наркотик ишлаб чиқариш масаласида қатъий фикрни эгаллаб туриши билан боғлиқ эди.



Расман толиблар тизими наркотик истеъмоли ва кўкнор опиумини тайёрлашни шариат қонунига зид деб ҳисобласа-да, амалда уларни қўллаб-қувватлади, кенг миқёсда кўкнор опиумини экиш эса қонунлаштирилди.

Наркотик ишлаб чиқарувчиларнинг тахминан 30-35 фоиз даромади «Толибон» Ислом ҳаракати бюджетига тақсимланишини ҳисобга олсак, айнан шу даромад ҳаракатни молиялаштиришдаги асосий манба ҳисобланиши равшанлашади.

«Толибон» ва «Ал Қоида» етакчилари парчаланган ислом экстремистик ва террористик ташкилотларини бириктириб, кўкнор опиуми ўстириш, йиғиб олиш, героинга айлантириш ва кейинчалик, аниқ йўналишда тайёр маҳсулотни Оврўпа, Осиё ва Америка мамлакатларига юбориш, шунингдек, пул жамғармаларини Яман, Судан ва Покистон молия тузилмалари орқали ишга қўшиш операциясининг бирламчи тизимини ишлаб чиққан эдилар.

Айни чоғда, экстремизм мафкурачилари наркотикнинг таъқиқланишини террористик амалиётнинг реаллиги, гўё кўкнор опиуми етиштириб чиқариш ижобий ҳодиса эканлиги, чунки у мусулмонлар томонидан эмас, балки «кофирлар» томонидан истеъмол қилиниши каби турфа хил уйдирмалар билан оқлашга уринадилар. Шунингдек, героин сиёсий таъсир воситасига айлантирилди деган идеологик аспектдан фойдаланилди.

БМТнинг наркотиклар устидан назорат Дастури маълумотларига кўра, толибон тузимида Афғонистон дунё бозорига йилига 300 тоннага яқин наркотик воситаларини ишлаб чиқарган ва етказиб турган.

Ливан ва Сурия ҳукумати томонидан наркотик ўсимликлар экинзорларини қисқартиш бўйича кўрилган чоралардан қатъи назар, «Ҳизбуллоҳ» экстремистик ташкилоти Бекаа водийсининг ўз назорат ҳудудларида экин майдонлари ва лабораторияларини қисман сақлаб қолишга муваффақ бўлган.



Мана, қарийб икки йил мобайнида «Тамил озодлиги йўлбарслари» ташкилоти Шри-Ланка ҳукумати билан фуқаролик урушини олиб бормоқда. Бир қанча вақт мобайнида у қурол-яроғ харид қилиш учун маблағ олиш ва транспорт тармоғини яратиш мақсадида наркокартелларда иштирок этган.

«Тамил озодлиги йўлбарслари» етакчилари, йирик наркобаронлар ва террористик гуруҳлар, энг аввало, «ВА мамлакатининг қўшма армияси» билан яқин алоқада бўлиб келмоқда. Ташкилот аъзоларини героин олиб ўтказувчи сифатида фойдаланишга бериш эвазига «тамил йўлбарслари» жангарилар тайёрлашда ва қурол олишда ёрдам олмоқда.

Наркотикларни олиб ўтиш йўналишида мамлакатнинг асосий нуқталардан ҳисобланишини Шри-Ланка ҳукумати яхши тушунади. Шу билан бир қаторда «Тамил озодлиги йўлбарслари»га қарши ҳукумат ҳаракати, наркотик тарқалишига қарши умумдавлат миқёсидаги курашда фойдаланишда қўл келадиган миллий заҳирани заифлаштирмоқда.

Шундай қилиб, Шри-Ланка ҳукумати икки фронт оралиғида жанг олиб боришга мажбур бўлмоқда.

«Ва мамлакатининг қўшма армияси» Мьянмадаги наркотик савдосини назорат қилувчи йирик қуролли тузилма саналади. У аксарият ҳолда ёшлар ва ишчилар орасида кўпроқ фойдаланиладиган ва амфитаминлар юбориладиган Тайланд чегаралари бўйича ҳаракат қилади.

Ирландия республикаси армияси (ИРА) Европадаги энг йирик террористик ташкилотлардан ҳисобланади. Мана кўп йиллардирки, ИРА ва «Ольстер Эркинпарвар кучлари» Буюк Британия полициясининг томонидан наркотик савдоси, зўравонлик ва одам ўғирлаш жиноятларида гумон қилинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ўзининг мафкураси, намойиш этаётган мақсадлари, ташкилот тузилмаси ва усулларидан қатъи назар, наркобизнесдан тушган даромадларсиз деярли ҳеч бир террористик ташкилот ҳаёт кечириши мумкин эмас.

Наркобизнесдан тушган даромадлар террористик ташкилотлар томонидан мудҳиш ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларни, жумладан, энг замонавий ускуналар, ахборот-коммуникацион технологиялари ва спутник алоқалари воситаларини харид қилишга имкон яратади. Айни пайтда, баъзи террористик гуруҳларда анча катта миқдордаги маблағни талаб этувчи оммавий қирғин қуроллари — ядровий, биологик ёки кимёвий қуролларни ишлаб чиқариш ёхуд харид қилиш имкони пайдо бўлмоқда.

Фақат чуқур таҳлил орқалигина нарковазиятнинг бугунги реал манзарасини кўришимиз мумкин. Ва, албатта, фақат шу йўл билан: «Инсониятнинг наркотиклардан, наркобизнес, терроризм ва у билан боғлиқ таҳдиддан қутилишга умид қилса бўладими»? – деган табиий саволга жавоб топиш мумкин.

**Е.БАЗАРБАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари**

---

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Неъмат Исломовга турмуш ўртоғи

**Фотима ИСЛАМОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# ТИМСОҲ, ЙИҒИСИ

Темур УБАЙДУЛЛО



(Бошланиши ўтган сонда).

Саҳарда эшик тақиллади. Тақилламади, тарақлади. Ойтош момо чўчиб уйғонди. Эшикни биров гурсиллатарди. Момо юзини нари бери чайиб, йўл-йўлакай рўмолига артиниб, кўча эшигига яқин борди.

— Ким? Кимсиз?

— Очинг! — амирона овоз эшитилди.

Момо қўллари қалтираб, занжирни туширди. Иккита милиционерни кўриб, ҳуши бошидан қочди.

— Келинглар, — деди у зўрға...

— Манави суратдаги ким?

— Ўғ... ўғлим Тавбой, — деди момо. — Тинчликми?

— Тинчлик эмасда, эна, — йўғон милиционер гап бошлади. — Исмини бошқа дейишди-ку бизга.

— Нега бошқа бўларкан? — Ойтош момо астойдил ранжиди. — Ахир ўғлимни билмайманми? 3 йилдан бери дараги йўқ эди. Ўлдими деб, хавотирда эдим. Ҳайрият, тирик экан...

— Эна, бундан кўра ўлгани яхши эди, — деди йўғон милиционер. — Узун қулоқ гапларга қараганда ўғлингиз уйга келаётган эмиш... Биз шу ерда қоламиз. Ўғлингизни бирров кўришимиз керак...

Ойтош момонинг юраги шув этиб кетди.

— Аммо «миқ» этиб овоз чиқармайсиз, — давом этди милиционер. — Қани сержант, пичан ғарами орқасига яширининг, мен оғилхонада бўламан. Дарчаси ҳовлини кузатишга қулай экан.

— Ишқилиб хабар ёлғон чиқмасинда, — деди сержант ғарам сари юрар экан. — Икки қўлимизни бурнимизга тиқиб қолмасак бўлди.

Ойтош момо турган жойида қотиб қолди. У икки ўт орасида қолган эди. Адолатни деса — ўғли, ўғлим деса — жазо муқаррар.

— Эшикни ёпиб қўйинг, — деди йўғон милиционер. — Кейин кампирнинг ҳолатини тушунгандек:

— Қўрқманг, ҳеч нима қилмаймиз. Бир-иккита саволимиз бор, холос, — деди.

Ойтош момо эшикни занжирлади. Кейин газга чой қўйди. Оғилхонага бориб, сигир-бузоқларга ем солди. Кейин хўрсинганча уйига кириб кетди. Кўрпачага тиз чўкканча кўзларини шипга қаратди. «Нима қилди экан, бу тентак?! Отасининг ўзи бўлди-қўйди. Отаси Турдивой ҳам дилозор эди. Бир кўришган одам қайтиб кўришмасликнинг ҳаракатини қилар эди. Охири кўпнинг қарғишига қолди...».

...Турдивой қўли гул бўлгани билан тилида тикани бор эди. Одамлар шунинг учун уни Тиконбой деб аташарди. Ойтош ҳам шу тикан билан яшаб, озиб-тўзиб кетган эди.

Маҳалланинг нариги четида яшовчи Улушбек тўй қилганда Турдивойни атайлаб таклиф этмади. Турди барибир борди.

— Нега келдинг, Тиканбой? — дейишди аламзадалар. — Бу ўғил тўйи. Сенинг эса на ўғлинг бор, на қизинг.

Шу куни Турдивой одатига хилоф равишда бир оғиз ҳам гапирмади. Роса ичди. Ўзини зўрға тутиб, тўйхонани тарк этаётганда бояги аламзадалар яна тикан санчишди:

— Емоқнинг қайтмоғи бор. Қачон бу қарзларингдан узиласан? Ишқилиб шундоқ ўтиб кетмасанг бўлди. Қарзинг бўйнингда кетади-да...

Турдивой додлаб юборай деди. Зўрға ташқарига чиқди. То катта ариққа келгунча йиғлаб келди. Ариқдан сакраганда ичидан бир нима узилгандек бўлди. Кўз олди қоронғулашиб кетди. Биқинини чангаллаганча ўтириб қолди. Кўзини очса осмон юлдузларга тўлиб кетганди. У оҳиста ўрнидан турди. «Ўлиб кетишимга бир баҳя қолди-я. Эй худо, тавба қилдим». У судралгудек бўлиб уйга етиб келди. Эрининг аҳволини кўриб, Ойтошнинг капалаги учиб кетди. Авайлаб олиб кириб ётқизди. Қайноқ-қайноқ чой ичирди. Турдивойнинг аъзойи-баданидан реза-реза тер чиқиб кетди.

— Хотин, — деди у, — умримни зое кетқизибман. Кўпнинг қарғишига қолдим. Худо битта туёқ бермади шу пайтгача. Сен гувоҳ бўл, тавба қилдим, ҳаммасига тавба қилдим. Энди бир оғиз ҳам аччиқ гапирмайман. Аллоҳ фарзанд ато қилса, отини Тавбой — Тавбажон қўяман.

Йиқилганида қаттиқ қўрққан эканми, фаришта омин деган эканми ё бошқами, ҳайтовур Турдивой қайтиб миқ этмади, тилдан қолди. Яратган эгамнинг каромати у ҳамма гапни эшитар, идрок қилар, имо-ишора билан тушунтирар, лекин гапиролмасди. Икки йил шу зайлда ўтди. Ниҳоят, Аллоҳ раҳм қилди: фарзанд ато этди. Турдивойнинг кўзларидан юм-юм ёш оқди. Ойтош ўғлига гувоҳнома олиб келганида гувоҳномани юз-кўзларига суртди. Чуқур хўрсиниб, кўзларини юмди...

Ойтош ўғлини бир ўзи ўстирди. Оилада ёлғиз қиз эди. Мана яна ёлғиз ўғил билан қолди. Ҳайҳотдек ҳовли гоҳида ютиб юборай дерди. Қўни-қўшнилар уни ўртага олиб, эрга тегинг дея насиҳат қилишди. Ҳар ҳолда эркак тарбиясини кўрган бола у ёқ- бу ёққа чайқалмай тўғри ўсади. Ойтош ҳамма гапни эшитди. Уч ёшга тўлиб қолган боласига, Тавбойгинасига ўгай отани раво кўрмади. Яхши умидлар билан бор меҳрини ўғлига бериб яшайверди.

Боласи тушмагур уч ёшдан ошгунча кўкракдан ажрамади. Бир гал ютоқиб эмса ҳам нафси қонмади. Қаттиқроқ тишлаб тортган эди, она бечоранинг кўкраги тилиниб кетди. Тавбой онасининг сутига қўшиб, қонини ҳам тамшаниб эмди. Она дод-вой қилди, ўнги қолиб, чап кўкрагини тутди. Охири иккала кўкрагига аччиқ қалампир суртиб, болани кўкракдан ажратди. Лекин ўнг кўкрагида данакдек чандиқ қолди.

Тавбойнинг бўйи чўзилган сари Ойтош опанинг орзулари улғайиб бораверди. Хаёлида мана-ман деган оилаларга қуда бўлар, тўрт қават кўрпачада ўтирар. Аммо орзу бошқа, унинг ижобати бошқа экан. Тавбой 10 синфга ўтганда мутлақо ўзгариб қолди. Кўзлари ғалати милтиллаб, лабларини ялаб қоларди. Шунақа пайтда қизлар:

— Тавба, кўзларинг бўриларнинг кўзидек чақчаяди, лабларингни ялашинг қассобга ўхшайди, — деб чувиллашарди. Тавбой парво қилмас, уларга қандайдир ёввойи эҳтирос билан тикилгани тикилган эди.

Битирувчилар кечасида синфдошларнинг хайрлашув оқшоми жуда чўзилиб кетди. Ўн йил бирга ўқиган йигит-қизлар қайтиб яна бир синфга йиғилолмаслигини ўйлаб, хаёлга ботишарди.

— Мен яна ўн йил ўқишга рози эдим, — деди Ҳуснида.

— Мен биланми? — деди Тавбой.

— Сен билан, ҳамма билан. Ахир ёшлигимиз тугаб, улғайиб қолдикку. Юрагинг орзиқмайдими?

— Орзиқяпти, — ҳиринглади Тавбой, — ахир синфимизда биринчи бўлиб сотка олган сен. Сенсиз нима қиламан энди.

— Жинни, — деди Ҳуснида.

— Жинниман, — деди Тавбой. — Айниқса, бугун мени жинни қилиб қўйдинг. Келинга ўхшайсан-а! Тақинчоқларингнинг кўплигини.

— Кеннойимники, — деди қиз бепарво.

Ҳуснидaнинг энсаси қотса ҳам, Тавбойнинг гаплари унга ёқарди. Тавбой шу куни Ҳуснида билан измаиз келди. Қизнинг уйи ҳамманикидан олисда бўлиб, йигит шундан фойдаланмоқчи бўлди.

Ҳамма бир-бири билан хайрлашиб, уй-уйига тарқади. Ҳуснида ҳам шоша-пиша уйига йўл олди. Тавбой худди мушукдек писиб, унинг орқасидан келарди.

— Ҳой, тўхтасангчи, — деди овозини чиқариб Тавбой.

Ҳуснидaнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ким? Кимсан? — деди овози титраб. — Вой, сенмисан, Тавбой! Нима қилиб юрибсан?

— Битта ўзингни юбораманми, — Тавбой шоша-пиша гапирди. — Юравер, — у қизнинг белидан ушлади.

Қизнинг эти жимирлаб кетди. У кутгани бўлди. Йигит унинг юзидан чўлп этиб ўпиб олди.

— Жинни экансан, — деди қиз энтикиб. — Агар дадам билиб қолса...

— Даданг билмайди. — Тавбой қизни судраб, панага олиб борди. Бошидаги рўмолини олиб, ўртасидан шартта иккига бўлди. Бири билан қизнинг оёқларини маҳкам боғлади.

— Жон Тавбой, мени шарманда қилма, — зир титраб ялинди Ҳуснида. Лекин Тавбойнинг хаёли бошқача эди. Рўмолнинг иккинчи бўлаги билан томоғидан дарахтга танғиди. Қиз бўғилмаса ҳам энди ортиқча ҳаракат қилолмас эди. Тавбой унинг бўйнидаги маржон, қулоғидаги зирак, қўлидаги тилла соатни ечиб олди. Кейин қизга тирғалди.

— Ҳеч нима кўрганинг йўқ. Қўлларинг бўш, уддаласанг, ўзингни озод қил. — Йигит орқасига бурилиб, кета бошлади. Қиз номуси омон қолганига шукур қилса ҳам, мол аччиғи эмасми қичқирди:

— Тўхта, Тавбой!

Йигит уч-тўрт қадам нарида тўхтади. Қизнинг шу топда эсига қўлидаги сотка тушди. У Тавбойнинг аксини унга туширишга улгурди.

— Сен то мен қишлоқдан чиқиб кетгунимча ҳаммаёқни ваҳима қилиб юборасан-ов, — деди Тавбой. Кейин келиб, ўзининг дастрўмолчаси билан қизнинг қўлини ҳам амаллаб боғлаб қўйди...

Қизнинг ота-онаси фарзандини тонгда боғланган ҳолда топишди. Унда ҳаёт асорати кўринмасди. Бутун қишлоқ дод-фарёд ила бокира қизни сўнгги йўлга кузатишди. Участка милиция нозири, туман ички ишлар бўлими терговчиси билан воқеа содир бўлган жойни синчиклаб кўздан кечиришди. Тупроққа қоришиб кетган сотка топилганда терговчининг қалби чироқ ёққандек ёришиб кетди.

— Кимники бўлиши мумкин? — сўради у участкавойдан.

— Қизники, — деди нозир. — Қишлоқда фақат унда бор эди.

— Қизиқ, — деди терговчи. — Нега энди битта шунда? Ҳозир ҳатто аравакашда ҳам бор-ку...

— Ўртоқ капитан, — деди нозир. — Ҳозир бунақа мушоҳада қилишнинг ўрни эмас. Сотканинг бизга нафи тегармикан?

Сотканинг нафи тегди. Уни вилоят марказидаги уста кўздан кечирганда, унчалик ёруғ бўлмасада бир йигитнинг ишшайиб турган чеҳраси чиқиб қолди. Нозир уни дарҳол таниди.

— Паст кўчада яшайди у, — қичқириб юборди у. Капитан суратни кўпайтириб, бўлимларга тарқатиб юборди. Лекин Тавбой Турдиевдан дарак чиқмади. У худди қумга сингиб кетгандек эди. Мана, орадан уч йил ўтгач, унинг дараги чиқди...

Ойтош момо хўрсиниб болишга ёнбошлади.

— Ҳаҳ болам-а, ярим умримни отанг адо қилувди, қолганини сен хароб қиласанми?..

...Йўғон милиционер мижжа қоқмай деразага қараб ўтирарди. У ўз ишини энди бошлаганда худди шундай бўлган эди.

Жиноят қидирув бўлимига ғалати ўғирлик ҳақида ахборот келди. Ёш кадр деб бу ишни унга топширишди.

— Қани, Раҳмонов, ўзингни кўрсат, — деди полковник. Келажагинг балки шу ишни бир ёқли қилишингга боғлиқдир...

Райимбой астойдил ишга киришди. Аввал қишлоқ оқсоқоллари билан обдон суҳбатлашди. Улар кимдан гумон қилиш мумкинлигини айтишди. Лекин жиноят содир бўлган жойда оёқ кийими излари кўринмасди. Ҳамма ёқда қандайдир панжа излари, унинг тупроққа чуқур ботганидан жуда кучли ҳайвонники деб тахмин қилса бўлар эди. Райимбой уй эгаси Тўра тоға билан учрашди. Унинг бўрдоқи қўйи йўқолган эди.

— Бўри оралаган қишлоққа, — деди Тўра тоға. — Яқин ўттиз-қирқ йил орасида бунақа ҳодиса бўлмаган эди.

Қишлоққа бўри оралабди, деган гап Райимбойнинг мушкулини осон қилди. У мазза-хўрак бўлиб қолган бўрининг яна «ташриф» буюришини кутиб, бир неча кунни Тўра тоғанинг боғида ўтказди. Тўртинчи куни унинг ҳафсаласи пир бўла бошлаганда, кутилмаганда хотирига «Хавфли рейс» фильми тушиб қолди. «Ўғри бўри эмас». Унинг калласига шу фикр маҳкам ўрнашиб қолди.

— Нега бунақа қарорга келдингиз? — сўради Тўра тоға ҳайрон бўлиб.

Райимбой кўрган киноси ҳақида айтиб берганда:

— Оббо, баччағар-эй, — деб сўкиниб юборди Тўра тоға. — Энди «бўри одам» ким бўлди экан?!

— Худо хоҳласа бугун биламиз, — Райимбой ишонч билан деди.

Ярим кечадан оққанда боғда шитир-шитир бошланди. Қўлида гаврон ушлаб олган Тўра тоға девор раҳнасидан ошиб тушган одамни кўргач, ўзини йўқотиб қўяёзди.

Одам бирданига йўқ бўлиб қолди. Бироздан кейин оғилхона томонда алланима шатирлаб қолди. Эшик ёнида биқиниб турган Райимбой қоп-қора кўланкасининг устига ўтириб олди. «Бўри» ихраб юборди. Тўра тоға чироқни ёқди. Не кўз билан кўрсинки, тоғанинг жияни. Қўл-оёғида ясама панжа. Райимбой роса ўхшатиб мих қоқилган тахтачани олиб кўздан кечирди.

— Аҳмоқ, — деди у нафрат билан, — агар шу ақлингни тузук нарсага ишлатганингда, элнинг лаънатини эмас, раҳматини олар эдинг...

Райимбойга ташаккурнома эълон қилинди. Мукофот беришди...

Хўш, бу сафар нима бўларкин? Қизнинг ота-онаси даъвосидан кечмаяпти... Уч йил бўлибдики, ота ҳафтасига милиция хонасида: қизимнинг хунини олиб берасанлар. Бўлмаса ўзларингдан кўрасанлар... Бу ёнда Тавбой дегани сувга тушган тошдек ғойиб бўлган. Қидирмаган жойи қолмади. Тошкентдан дараги чиқди. Ёшгина сержант бориб келди, бошқа одам экан... Райимбойнинг яна тинчи йўқолди, паспортини алмаштириб олган бўлса-чи? Қандайдир ички бир туйғу, «ўша, ўша» деяверар, назарида у уйига кириб келаётгандек эди. Туйғуси уни алдамади...

(Давоми кейинги сонда).

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 56. 26 607 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 1 345678

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda